



«ИПОТЕКА-БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

«Ипотека-банк» АТИБнинг
Кузатув кенгаши томонидан
(2021 йил 1 декабрдаги
53-сонли Баённома)
«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека
банкида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш
ва бартараф этиш
СИЁСАТИ**

Тошкент - 2021 й.

Махфийлик

Ушбу хужжатдаги барча маълумотлар махфий бўлиб, «Ипотека-банк» АТИБнинг мулки ҳисобланади. Мазкур ҳужжатни тўлиқ ёки қисман, шунингдек унинг иловаларини «Ипотека-банк» АТИБ ходимлари томонидан учинчи шахсга ошкор килиниши факат Комплаенс назорат департаментининг рухсати билан амалга оширилади.

Хужжаттинг

идентификация рақами:
ППУКИ-1-11-21

Версия рақами: 1.0

Кучга кириши санаси:
01.12.2021й.

I-варақ

МУНДАРИЖА

1. Кисқартмалар ва Таърифлар	3
2. Умумий қоидалар	7
3. Тартибга солувчи асосий ҳужжатлар	7
4. Сиёсатнинг мақсадлари	7
5. Сиёсатнинг вазифалари	8
6. Асосий функциялари, манфаатлар түқнашувини бошқариш ва назорат қилиш органлари 8	
7. Манфаатлар түқнашувининг турлари ва уларнинг юзага келиш ҳолатлари	9
8. Манфаатлар түқнашувини бошқаришнинг асосий тамойиллари ва усууллари.....	12
9. Манфаатлар түқнашувининг олдини олиш	13
10. Манфаатлар түқнашувини ҳал қилиш	20
11. Ушбу Сиёсатда назарда тутилган қоидалар ва тартибларга риоя қилмаслик учун жавобгарлик чоралари (санкциялар)	22
13. Якуний қоидалар	23
14. 1-сонли Илова – Банк юзага келишининг олдини олиши лозим бўлган манфаатлар түқнашувларининг турлари	24
15. 2-сонли Илова –Мавжуд, потенциал ёки тахминий манфаатлар түқнашуви тўғрисида ахборотни ошкор қилиш шакли	26
16. 3-сонли Илова – «Ипотека-Банк» АТИБнинг манфаатлар түқнашувининг олдини олиш ва бартараф этиш сиёсати билан танишганлигини тасдиқлаш (КК аъзолари учун).....	28
17. 4-сонли Илова – «Ипотека-Банк» АТИБнинг манфаатлар түқнашувининг олдини олиш ва бартараф этиш сиёсати билан танишганлигини тасдиқлаш (Бошқарув аъзолари ва Банк ходимлари учун)	30

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>2-варақ</i>
---	---------------------------	--	----------------

ХУЖЖАТНИ ҚАЙТА КҮРИБ ЧИҚИШ ХРОНОЛОГИЯСИ

Фамилия, исм, лавозим / Бошқарув органи		Сана	
Ишлаб чиқувчи:		Комплаенс назорат департаменти	
Тавсия этилган:		Банк Кузатув кенгashi қошидаги Аудит кўмитаси	
Маъқулланган:		Банк Кузатув кенгashi томонидан	
версии рақами	Ишлаб чиқилган сана	Кучга кириш санаси	Киритилган ўзгартиришларнинг қисқача тавсифи
1.0	30.11.2021 й.	01.12.2021 й.	Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 37-моддасига мувофиқ «Ипотека-банк» акциядорлик тиҷорат ипотека банкининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва бартараф этиш сиёсати ишлаб чиқилган.

ХУЖЖАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Хужжатни назорат қилиш ва сақлаш қуйидаги жадвалда кўрсатилган рўйхатга мувофиқ амалга оширилади:

Хужжат рақами	Хужжатни сақловчи (Лавозими)	Хужжат формати
1	Корпоратив хизмат маслаҳатчиси	Асли PDFда
2	Комплаенс назорат департаменти	Нусхаси PDFда Асли Wordда
3	Банк ходимлари	Нусхаси PDFда

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>З-варақ</i>
---	---------------------------	--	----------------

1. Қисқартмалар ва таърифлар

Тартиб рақами	Қисқартма	Таъриф
1	Аффилланган муносабатлар	Мазкур Сиёсат доирасида Кузатув кенгаши, Бошқарув аъзоси ёки Банк ходимининг муносабатлари қуидагилар билан аффилланган ҳисобланади: - бошқа жисмоний шахс билан, агар бундай шахс Банк Кузатув кенгаши, Бошқарув аъзоси ёки Банк ходимининг оила аъзоси ёки яқин қариндоши бўлса, ёки - юридик шахс билан, агар Кузатув кенгаши, Бошқарув аъзоси ёки Банк ходими ушбу юридик шахс фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса. Аффилланган муносабатлар 2 ёки ундан ортиқ шахсларни ўз ичига олиши мумкин
2	Банк	«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки
3	Яқин қариндошлар	Насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар (ота-она, фарзандликка олувчилик, фарзандликка олинганилар ва фарзандлар, боболари, бувилари ва неваралари), туғишган ва ўгай (умумий отаси ёки онаси бор) ака-укалар ва опа-сингиллар
4	ИНХ	Банкнинг ички норматив хужжатлари
5	КНД	«Ипотека-банк» АТИБнинг Комплаенс назорат департаменти
6	ИАД	«Ипотека-банк» АТИБнинг Ички аудит департаменти
7	Мансабдор Шахс	Банкнинг мансабдор шахслари – Банк Кузатув кенгаши, Бошқарув аъзолари, шунингдек, хизмат вазифалари уларга банк фаолияти юзасидан қарорлар қабул қилиш ва/ёки банк фаолиятига жиддий таъсир кўрсатиш имконини берадиган ходимлардир
8	ХБД	«Ипотека-банк» АТИБнинг Ходимларни бошқариш департаменти
9	Манфаатдор шахслар	Ушбу Сиёсат доирасида Банкнинг манфаатдор шахслари Банкнинг мижозлари, контрагентлари, бизнес ҳамкорлари, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва Банк билан ҳар қандай муносабатларда бўлган ёки муносабатларга киришадиган бошқа учинчи шахслар ҳисобланади
10	Инсайдер ахборотлари	Банкнинг мансабдор шахси ва/ёки ходимларнинг хизмат вазифаларига кўра ихтиёрида бўлган, тарқатилиши Банк активларининг бозор қийматига, ишбилармонлик обрўсига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, оммавий бўлмаган ва ошкор этилиши шарт бўлмаган ҳар қандай маълумотлар

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>4-варақ</i>
---	---------------------------	--	----------------

Тартиб рақами	Қисқартма	Таъриф
11	Мижоз	Банк ўз фаолиятини амалга ошириш давомида банк хизматларини кўрсатадиган жисмоний ва юридик шахслар
12	Қўмита	«Ипотека-банк» АТИБ Кузатув кенгаши қошидаги Аудит Қўмитаси
13	Контрагент	Банк билан ўзаро келишув асосида муносабатлар ўрнатиш ниятида бўлган ёки ўрнатган юридик шахс, якка тартиbdаги тадбиркор, жисмоний шахслар
14	Махфий ахборот	Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва Банкнинг ички хужжатларига мувофиқ фойдаланилиши чекланган хужжатлаштирилган ахборот
15	Манфаатлар тўқнашуви	Бу акциядорлар гурухлари ўртасида, акциядорлар ва Банкнинг мансабдор шахслари ўртасида, акциядорлар ва Кузатув кенгаши ўртасида, акциядорлар ва меҳнат жамоаси ўртасида, мулкчилик, молиявий оқимлар ва умуман бизнесга нисбатан, Банкнинг бошқарув органлари ва меҳнат жамоаси ўртасида, таркибий бўлинмалар ўртасида, кредит бўлинмалари ва мижозлар ўртасида, Бош банк ва филиаллар ўртасидаги тўқнашувидир
16	Корпоратив бошқарув	Банк Уставида, Банкнинг корпоратив бошқарув сиёсати ва банкнинг бошқа ички норматив хужжатларида, шунингдек қонун устуворлиги принципида белгиланган акциядорлар, Кузатув кенгаши ва Бошқарув ўртасидаги муносабатлар тизими
17	ТАШВА ЙБҚ	«Ипотека-банк» АТИБ Кузатув кенгаши қошидаги Таваккалчилик, алоқадор бўлган шахслар билан битимлар тузиш ва йирик битимлар бўйича Қўмита
18	Йирик битим	Банк томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Банк соғ активлари миқдорининг 15 фоизидан ортиғини ташкил этса, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>5-варақ</i>
---	---------------------------	--	----------------

Тартиб рақами	Қисқартма	Таъриф
19	Шахсий манфаатлар	Иш ҳақи ва Банк томонидан белгиланган мукофотлар ва ҳақ олиш билан боғлиқ бўлмаган шахсий мулкий фойдалар ёки Банқдан шахсий фойдаларни олишдан манфаатдорлик
20	Шахсий фойда	Банк мансабдор шахси ёки ходимининг, унинг яқин қариндошларининг, оила аъзоларининг номоддий/моддий неъматлар ва бошқа номоддий афзаликлар олишдан манфаатдорлиги
21	Моддий фойда	Банкнинг мансабдор шахси ёки ходими, унинг яқин қариндошлари, оила аъзолари томонидан Банк ихтиёрида бўлган маълумотлардан фойдаланишлари натижасида Банк билан тузилган меҳнат ва фуқаролик-хукуқий шартномалар бўйича уларга тегишли бўлган маблағлардан ортиқ миқдорда олинган моддий маблағлар, шунингдек банк томонидан мижозлар билан тузилган шартномалар бўйича ишларни бажариш ва (ёки) хизматлар кўрсатиш учун унга тегишли бўлган маблағлардан битимларни бажариш ёки бошқа операцияларни амалга ошириш натижасида ортиқ миқдорда олинган маблағлар
22	Миноритар акциядор	Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиши ва овоз бериши йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш натижаларига таъсир қилмайдиган банк акциядори (жисмоний ёки юридик шахс)
23	КК	«Ипотека-банк» АТИБнинг Кузатув кенгаши
24	Банкнинг бошқарув органлари	Банкнинг Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Бошқаруви
25	Бошқарув	Банкнинг ижро этувчи органи бўлиб, унинг иши Банк Устави, Банк Бошқаруви тўғрисидаги Низом ва Банкнинг бошқа ички низомлари билан тартибга солинади
26	Сиёсат	«Ипотека-банк» АТИБда манфаатлар тўқнашувиининг олдини олиш ва бартараф этиш сиёсати
27	ЎзР	Ўзбекистон Республикаси
28	Алоқадор бўлган шахслар	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гурухи, шу жумладан банкка алоқадор шахслар учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисида”ги Низомига мувофиқ тегишли мезонларга тўғри келадиган юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, уларнинг банк билан муносабатлари уларга Банк қарорларини қабул қилишда муҳим таъсир кўрсатишга имкон беради.

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

Хұжжаттнинг
идентификация рақами:
ППУКИ-1-11-21

Версия рақами: 1.0

Күчгә кириши санаси:
01.12.2021й.

6-варақ

Тартиб рақами	Қисқартма	Таъриф
29	Банк ходимлари	Банк билан меңнат шартномаси асосида меңнат муносабатларида ёки фуқаролик-хуқуқий характеристидаги шартнома асосида фуқаролик-хуқуқий муносабатларда бўлган шахслар
30	Оила аъзолари	Турмуш ўртоғи ва турмуш ўртоғининг яқин қариндошлари

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>7-варақ</i>
---	---------------------------	--	----------------

2. Умумий қоидалар

- 2.1. Ушбу Сиёсат манфаатлар түқнашувларининг асосий мақсадлари, вазифалари, турларини, шунингдек, манфаатлар түқнашувларининг олдини олиш, манфаатлар түқнашувларини аниқлаш ва ҳал қилиш учун Банк томонидан қўлланиладиган муҳим чора-тадбирлар рўйхатини белгилайди.
- 2.2. Ушбу Сиёсат талаблари банк билан фуқаролик-хукуқий шартномаси асосида муносабатларга киришган жисмоний шахсларга ҳам қўлланилади - улар билан тузилган шартномада тегишли мажбуриятлар юкланган ҳолларда, ички белгиланган ҳолларда ёки ушбу Сиёсатга риоя қилиш мажбурияти бўлган ҳолларда.
- 2.3. Мазкур Сиёсат Банкнинг барча фаолият турлари учун тааллуқлидир. Хужжат Банкнинг барча ходимлари томонидан танишиб чиқилиши ва қўлланилиши мажбурийдир.
- 2.4. Манфаатлар түқнашувининг олдини олиш Банкнинг корпоратив маданиятининг бир қисми бўлиб, у ҳалоллик ва одоб-ахлоқ тамойилларига асосланади ва Банкнинг барча ходимлари ва унинг фаолиятининг барча соҳалари учун мажбурийдир.
- 2.5. Ушбу Сиёсат йилига камида бир марта кўриб чиқилади. Ушбу Сиёсатга ўзгартиришлар КНД томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги ўзгаришларга ва/ёки Банкнинг ички хужжатларидағи ўзгаришларга мувофиқ Аудит Кўмитаси ва Корпоратив бошқарув қўмитаси ва номзодларни кўрсатиш билан келишилган ҳолда, КК томонидан тасдиқланади.

3. Тартибга солувчи асосий ҳужжатлар

- 3.1. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни;
- 3.2. Акциядорлик жамиятлари самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссия йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодекси;
- 3.3. «Ипотека-банк» АТИБда хукуқбузарликлар тўғрисида ахборот бериш Сиёсати;
- 3.4. «Ипотека-банк» АТИБда коррупцияга қарши курашиш Сиёсати;
- 3.5. «Ипотека-банк» АТИБда фирибгарликка қарши курашиш Сиёсати;
- 3.6. «Ипотека-банк» АТИБда давлат харидлари тўғрисида Сиёсат;
- 3.7. Комплаенс назорат департаменти тўғрисидаги Низом.

4. Саёсатнинг мақсадлари

- 4.1. Ушбу Сиёсатнинг мақсади мумкин бўлган манфаатлар түқнашувларини аниқлаш, манфаатлар түқнашви юзага келишининг олдини олиш ва манфаатлар түқнашувларини самарали ҳал қилишдан иборатdir.
- 4.2. Ушбу Сиёсат Банк фаолиятида ишбилармонлик этикаси ва корпоратив маданият стандартларига риоя қилишга қаратилган.

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ПЛУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>8-варақ</i>
---	---------------------------	--	----------------

- 4.3. Мазкур Сиёсат қоидалари Банкнинг корпоратив маданиятига мос келади, манфаатлар түқнашувининг олдини олиш мақсадида Банк фаолиятининг барча соҳаларида ахлоқий меъёрларга риоя қилиш ниятларини қўллаб-кувватлади.

5. Сиёсатнинг вазифалари

- 5.1. Ушбу Сиёсатнинг вазифалари қуидагилардан иборат:
- 5.1.1. Манфаатлар түқнашувининг мумкин бўлган турларини аниқлаш;
 - 5.1.2. Манфаатлар түқнашувининг олдини олиш бўйича самарали огоҳлантириш чораларини белгилаш;
 - 5.1.3. Тўқнашувнинг турига қараб манфаатлар тўқнашувларини ҳал қилишнинг самарали усулларини қўллаш.

6. Асосий функциялари, манфаатлар тўқнашувини бошқариш ва назорат қилиш

- 6.1. Мазкур Сиёсат банкда манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатни қамраб олишга мўлжалланмаган, аксинча, у ЎзРда жадал ривожланаётган иқтисодий иқлимини акс эттирувчи амалий кўрсатмаларнинг умумий тизими сифатида ишлаб чиқилган. Таклиф этилаётган чора-тадбирлар бир-бирини мустаҳкамлаш ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни бошқаришда келишилган ва изчил ёндашувни таъминлаш учун мўлжалланган. Ушбу ёндашувнинг муҳим функциялари қуидагилардан иборат:
- 6.1.1. Банқда бизнес жараёнларини ўтказиш учун кўшимча таваккалчиликларнинг юзага келишига таъсир қилиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларнинг умумий хусусиятларини аниқлаш;
 - 6.1.2. Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ номақбул вазиятнинг ўзига хос кўринишларини аниқлаш;
 - 6.1.3. Конун ва қоидалар талабларини бажаришга ёрдам берадиган хабардорлик, кейинги профилактика ишларини амалга ошириш мақсадида таваккалчилик остида бўлган фаолият соҳаларини олдиндан билиш;
 - 6.1.4. Керакли ахборотларни тўғри ошкор қилиш ва манфаатлар тўқнашувини самарали бошқариш;
 - 6.1.5. Банкнинг мижозлари ва контрагентлари, шу жумладан акциядорлар, омонатчилар, кредиторлар, бошқа мижозлар, давлат идоралари ва жамоатчилек билан ҳамкорлик қилиш;
 - 6.1.6. Вазиятдаги ўзгаришларга мувофиқ манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва бартараф этиш Сиёсати қоидаларини янгилаш ва тузатиш.
- 6.2. КК Банкнинг ташкилий тузилмасини, ИАД, КНД ва ТАШБВАЙБҚнинг ҳисоботларини йиллик баҳолаш, манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарадиган битимлар ва бошқа операцияларни мониторинг қилиш орқали Банкнинг раҳбар ходимларининг функционал мажбуриятларида юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувларини таҳлил қилиш учун жавобгардир, бунда банкнинг ички норматив хужжатларига зид бўлган ёки банкнинг тегишли шахслари учун имтиёзли шартшароитлар яратадиган операциялар имкониятини истисно қилиш мақсадида алоқадор

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21	Версия рақами: 1.0	Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.	9-варақ
--	--------------------	--------------------------------------	---------

бўлган шахслар билан тузиладиган битимларга алоҳида эътибор қаратилади, ҳар йили банкнинг таваккалчиликка учрайдиган операцияларини, шунингдек Банк Бошқарувининг фаолиятини мониторинг қиласди.

- 6.3. Банк Бошқарув «Ипотека-банк» АТИБда манфаатлар түқнашувларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлашга масъулдир.
- 6.4. ТАШБВАЙБҚ Сиёсатни тасдиқлаш бўйича унинг корпоратив бошқарув тамойилларига, Банкнинг ишбилармонлик хулқ-атвори ва корпоратив Этика кодексига, шунингдек, энг илғор халқаро тажрибага мувофиқлигини кўриб чиқиш ва тавсиялар тайёрлаш учун жавобгардир.
- 6.5. КНД манфаатлар түқнашувини олдини олиш, манфаатлар түқнашувини ҳал этиш, манфаатлар түқнашувини олдини олиш ва ҳал этиш сиёсатига риоя этилишини назорат қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавобгардир.
- 6.6. Корпоратив маслаҳатчи Банкка алоқадор бўлган шахслар рўйхатини юритиши, ушбу рўйхатни ўз вақтида ўзгартириш ва КК томонидан ушбу рўйхатни тасдиқлатиш, КК аъзоларидан ушбу Сиёсат қоидалари билан танишиш тўғрисидаги тасдиқномани олиш учун жавобгардир (ушбу Сиёсатга 3-сонли Илова).
- 6.7. ХБД Бошқарув аъзолари ва Банк ходимларидан ушбу Сиёсат қоидалари билан танишганларни тўғрисидаги тасдиқномани олиш учун жавобгардир (ушбу Сиёсатга 4-сонли Илова).
- 6.8. ИАД ва КНД ушбу Сиёсат қоидаларининг бажарилиши назоратини амалга оширади, Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ушбу Сиёсат қоидаларининг бузилиши фактлари бўйича, шунингдек банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар шартлари, уларни банкнинг манфаатдор томонлари фойдаланиши учун мумкин бўлган Банкнинг молиявий (бухгалтерия) хисоботларида ошкор қилиниши бўйича текширувларни амалга оширади.

7. Манфаатлар түқнашувининг турлари ва уларнинг юзага келиш ҳолатлари

- 7.1. Банк тўқнашув тарафларига қараб манфаатлар тўқнашувининг асосий турларини аниqlади.
- 7.2. Банк манфаатлар тўқнашувининг кенг таърифини қўлладайди:
 - 7.2.1. КК, Бошқарув аъзоси ёки Банкнинг ҳар қандай ходими ҳақиқий мавжуд тўқнашувга дуч келганда ҳақиқий тўқнашув;
 - 7.2.2. КК, Бошқарув аъзоси ёки Банкнинг ҳар қандай ходими манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятда бўлганида ёки бўлиши мумкин бўлган потенциал манфаатлар тўқнашуви;
 - 7.2.3. КК, Бошқарув аъзоси ёки Банкнинг ҳар қандай ходими, гарчи бундай бўлмаса ҳам, тўқнашув бўлиб кўриниши мумкин бўлган вазиятда бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган тахминий манфаатлар тўқнашуви.

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хұжжаттнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Күчгө кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>10-варақ</i>
--	---------------------------	--	-----------------

- 7.3. Манфаатлар түқнашуви қуйидагилар ўртасида ўзаро муносабатлар ва алоқалар натижасида юзага келиши мүмкін:
- 7.3.1. Банк ва унинг міжозлари;
 - 7.3.2. Банк акциядорлари ва КК аъзолари;
 - 7.3.3. КК ва Бошқарув аъзолари;
 - 7.3.4. Банк Бошқаруви ва ходимлари;
 - 7.3.5. Банк ва Банкка алоқадор бўлган шахслар;
 - 7.3.6. Банк ва расмий шахслар ва /ёки давлат органлари вакиллари.
- 7.4. КК, Бошқарув аъзоси ёки Банк ходими ўз шахсий манфаатларини Банк манфаатларидан устун қўйганда ва шахсий манфаатларидан келиб чиқиб, КК, Бошқарув аъзоси ёки Банк ходими ўз лавозим мажбуриятларини бажариш чоғида КК, ёки Бошқарув қарорига таъсир қилганда манфаатлар түқнашуви пайдо бўлиши мүмкін.
- 7.5. КК, Бошқарув аъзоси ёки Банкнинг ҳар қандай ходимида потенциал манфаатлар түқнашуви инг энг кенг тарқалган мисолларидан қуйидагилар ҳисобланади:
- 7.5.1. иш жойидаги шахсий муносабатлар (масалан, яқин қариндошларни, оила аъзоларини ишга қабул қилиш ёки назорат қилиш);
 - 7.5.2. ташқи ваколатларнинг мавжудлиги (масалан, банк рақобатчисининг директорлар кенгашида ёки кузатув кенгашида ишлаш);
 - 7.5.3. Банқдан ташқари қўшимча иш (масалан, Банк міжози, етказиб берувчиси ёки рақобатчиси билан иккинчи иш жойига эга бўлиш);
 - 7.5.4. шахсий молиявий манфаатларни илгари суриш (масалан, Банк етказиб берувчисининг муҳим улушкига эгалик қилиш ва Банк бизнесини ўз йўналишига йўналтира олиш);
 - 7.5.5. Банкнинг бизнес шериги, міжози ёки рақобатчисидан тўловлар, комиссиялар, чегирмалар, совғалар, кўнгил очиш ёки хизматларни олиш.
- 7.6. Банкнинг ваколатли органлари манфаатлар түқнашуви мавжудлигини ёки унинг юзага келиши мүмкинлигини аниқлаштириш, тасдиқлаш учун

Манфаатлар түқнашуви мавжуд бўлган ёки юзага келиши мүмкін бўлган соҳалар	Ваколатли орган
Иш жойидаги шахсий муносабатлар	
Ташқи ваколатларнинг мавжудлиги	ХБД
Шахсий манфаат	
Ишбилармон ҳамкорлар, рақобатчилар, міжозлар билан муносабатлар	
Совғалар, саёҳат, ўйин-кулги ва бошқа шунга ўхшаш моддий манфаатлар	КНД
Йиғимлар, комиссиялар, хизматлар, бошқа хизматлар	
Бошқа масалалар	

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>11-варақ</i>
---	---------------------------	--	-----------------

<i>Акциядорлар билан муносабатлар</i>	<i>Корпоратив маслаҳатчининг хизмати</i>
---------------------------------------	--

- 7.7. Қуйидаги ҳолатлар натижасида Банк акциядорлари, Банк КК ва акциядорлари, Банк КК ва Бошқаруви, Банк Бошқаруви ва акциядорлар ўртасида манфаатлар түқнашуви юзага келиши мумкин:
- 7.7.1. ЎзР қонун хужжатлари, норматив хужжатлари ва Банкнинг ИНҲ талабларига риоя қилмаслик;
 - 7.7.2. акциядорлар манфаатларининг устуворлиги тамойилига риоя қилмаслик;
 - 7.7.3. миноритар акциядорларнинг қарорлар қабул қилиш ва Банк фаолияти устидан назорат қилиш, шунингдек Банк КК ва Акциядорлар умумий йиғилишининг қарор қабул қилиш жараёнига таъсир ўтказа олмаслиги;
 - 7.7.4. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банкнинг ИНҲ талабларини бузган ҳолда алоқадор бўлган шахслар билан битимлар ва йирик битимлар тузиш;
 - 7.7.5. КК ва/ёки Бошқарув томонидан Банкнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган ва/ёки шахсий манфаатлар ва/ёки шахсий фойда олиш ва/ёки моддий фойда олиш учун қарорлар қабул қилиш;
 - 7.7.6. бошқарув органлари ва мансабдор шахслар томонидан уларнинг бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан муносабатлари ва/ёки шахсий манфаатлари, шахсий фойда ва/ёки моддий фойданинг мавжудлиги тўғрисида тўлиқ ва ўз вақтида маълумот бермаслиги.
- 7.8. Қуйидаги ҳолатлар натижасида Банк ва мижозлар/контрагентлар ўртасида манфаатлар түқнашуви юзага келиши мумкин:
- 7.8.1. ЎзР қонун хужжатлари, норматив хужжатлари ва Банкнинг ИНҲ талабларига риоя қилмаслик;
 - 7.8.2. ишбилармонлик этика нормалари ва касбий этика тамойилларирига риоя қилмаслик;
 - 7.8.3. Банк ёки мижозлар томонидан шартнома мажбуриятларини бажармаслик;
 - 7.8.4. Банк ходимлари томонидан ЎзР қонунчилигига ва Банкнинг ИНҲга мувофиқ ўз хизмат вазифаларини бажармаслик.
- 7.9. Қуйидаги ҳолатлар натижасида Банк ва унинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида манфаатлар түқнашуви юзага келиши мумкин:
- 7.9.1. ЎзР қонунчилиги ва Банкнинг ИНҲ талабларига риоя қилмаслик;
 - 7.9.2. ишбилармонлик этика нормалари ва касбий этика тамойилларирига риоя қилмаслик;
 - 7.9.3. банк билан шахсан ва/ёки Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тижорат муносабатларига киришиш;
 - 7.9.4. Банк билан бизнес олиб бораётган бошқа компанияларда молиявий манфаатдорлик;
 - 7.9.5. банк билан ишбилармонлик муносабатларига кирган бошқа ташкилот органларида ўриндошлик бўйича ишлаш ва/ёки раҳбарлик лавозимини эгаллаш;
 - 7.9.6. бошқа ташкилотлар учун Банк манфаатларига зид бўлган бизнес имкониятларини яратиш.

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжаттнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>12-варақ</i>
--	---------------------------	--	-----------------

8. Манфаатлар түқнашувини бошқаришнинг асосий тамойиллари ва усуллари

- 8.1. Банк манфаатлар түқнашуви эҳтимолининг олдини олиш ва унинг оқибатлари ва Банкка етказиладиган зарарни минималлаштириш бўйича фаолиятга алоҳида эътибор беради. Шундай қилиб, Банкнинг сиёсати, яъни манфаатлар түқнашувини бошқариш қисми бўйича сиёсати манфаатлар түқнашувининг олдини олишга, манфаатлар түқнашувига йўл қўймасликка асосланган. Шу билан бирга, Банк қуидаги тамойилларга асосланади:
- 8.1.1. Банкнинг барча ходимларининг манфаатлар түқнашуви турлари ва юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлари ёки потенциал манфаатлар түқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида хабардор бўлиши;
 - 8.1.2. Банкнинг барча ходимларининг манфаатлар түқнашувини олдини олишнинг мумкин бўлган йўллари ҳақида, шунингдек манфаатлар түқнашуви юз берганда уларни ҳал этиш тўғрисида хабардор бўлиши;
 - 8.1.3. манфаатлар түқнашуви юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни мажбурий равишда ошкор қилиш;
 - 8.1.4. ҳар бир манфаатлар түқнашувини аниқлаш ва ҳал қилишда Банк учун таваккалчиликларни баҳолашга индивидуал ёндашув;
 - 8.1.5. манфаатлар түқнашувини ҳал этишда Банк, унинг бошқарув органлари ва ходимлари манфаатлари мувозанатини таъминлаш;
 - 8.1.6. манфаатлар түқнашувини аниқланганда ва уларни бошқаришда ахборотни ошкор қилиш жараёнининг қатъий маҳфийлигини таъминлаш;
 - 8.1.7. манфаатлар түқнашувининг ўз вақтида Банк томонидан ошкор этилишига ва уни ҳал этишга (олдини олишга) сабаб бўлган шахсни манфаатлар түқнашуви тўғрисидаги хабар асосида таъқибдан ҳимоя қилиш.
- 8.2. Манфаатлар түқнашувларини бошқариш учун Банк манфаатлар түқнашувини бошқаришнинг қуидаги усулларини қўлладайди:
- 8.2.1. Манфаатларнинг мавжудлиги ёки потенциал юзага келиши мумкинлиги тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш ва манфаатлар түқнашувига олиб келадиган қарор қабул қилишда иштирок этишдан бош тортиш, банк ходимлари томонидан ушбу Сиёсатга 1-сонли Иловада кўрсатилганидек, муайян ҳаракатлар учун тақиқларни ўрнатиш, қарор қабул қилиш ва операцияларни амалга

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>13-варақ</i>
---	---------------------------	--	-----------------

оширишда ваколатларни чеклаш, операцияларни амалга оширишда назорат ва лимитларни белгилаш орқали манфаатлар түқнашувиининг олдини олиш;

- 8.2.2. Ушбу Сиёсатда кўрсатилганидек, манфаатлар түқнашувиини ўз вақтида аниқлаш ва уни Банкнинг ваколатли органлари томонидан ҳал қилиш.
- 8.3. Банк, унинг мансабдор шахслари ва ходимлари ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида Банкнинг қонуний хукуқ ва манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган тарафкашликка, учинчи шахсларга қарамликка йўл қўймайди.
- 8.4. Банк акциядорларнинг, унинг мижозларининг манфаатларини, шунингдек ЎзР қонун хужжатлари талабларига мувофиқ унинг фаолиятини назорат қилувчи давлат органларининг талабларига риоя этилишини тегишлича таъминлайди.
- 8.5. Банк манфаатлар түқнашувиин огоҳлантириш ва олдини олиш мақсадида ўз мансабдор шахслари ва ходимларининг фаолияти устидан доимий самарали ички назоратни таъминлайди.

9. Манфаатлар түқнашувиининг олдини олиш

- 9.1. Манфаатлар түқнашувиининг олдини олиш мақсадида Банк:

- 9.1.1. ишга қабул қилиш вақтида Банкнинг ҳар бир раҳбар ходимини ва ходимни ушбу Сиёсат ва унинг асосида тузилган ички хужжатлар билан танишишини таъминлайди;
- 9.1.2. ушбу Сиёсатнинг мазмунини банк раҳбарлари ва ходимлари эътиборига етказишга қаратилган мунтазам тушунтириш ишларини олиб боради;
- 9.1.3. тижорат ва банк сирларини химоя қилишни таъминлайди;
- 9.1.4. узоқ муддатли истиқболда Банкнинг барқарор даромадлилигига эришишга ҳисса қўшадиган банк раҳбарлари ва ходимларини молиявий рағбатлантириш, малакали кадрларни жалб қилиш ва сақлаш тамойилларига амал қиласи, тўланадиган ҳақнинг Банкнинг молиявий ҳолатига мувофиқлигини, шунингдек Банк фаолиятининг эришилган натижаларининг режалаштирилган кўрсаткичларга қай даражада мос келишини таъминлайди;
- 9.1.5. ички назоратни амалга оширади;
- 9.1.6. меҳнат қонунчилигига назарда тутилган тартибда ушбу Сиёсатда белгиланган талаблар ва чекловларга риоя қилмаганлик учун интизомий жазо турларини белгилайди;
- 9.1.7. банк раҳбарлари ва ходимлари томонидан мазкур Сиёсат ва ички норматив ҳужжатларда белгиланган қоидалар ва тартибларга қатъий риоя этилишини таъминлайди;
- 9.1.8. манфаатлар түқнашуви тўғрисидаги маълумотларни янги реал ёки потенциал манфаатлар түқнашувиини келтириб чиқарадиган ёки келтириб чиқарган вазиятлар (ҳолатлар) юзага келганда бир марталик ошкор килишни амалга оширади.

- 9.2. Манфаатлар түқнашувиини олдини олиш мақсадида Банк банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимларни амалга оширишда алоҳида эътибор беради, хусусан:

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>14-варақ</i>
---	---------------------------	--	-----------------

- 9.2.1. Банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар фақат “Ипотека-банк” АТИБнинг алоқадор бўлган тарафлар билан битимларни амалга оширишни тартибга солиш Сиёсатига қатъий мувофиқ амалга оширилиши мумкин;
- 9.2.2. Банкка алоқадор бўлган шахслар билан битим тузишга киришиш ёки уларнинг манфаатларида, яъни, унинг табиати, мақсади, хусусиятлари ва таваккалчилиги бўйича Банк битим тузишга киришмайдиган битимлар, тақиқланади;
- 9.2.3. Банкка алоқадор бўлган шахслардан банк операциясини амалга оширганлик учун ҳақ (манфаат) ва тўловларни ундириш ёки таъминотни қабул қилишда, бошқа мижозларга қараганда кулагай шартларда амалга ошириш тақиқланади;
- 9.2.4. Банкка алоқадор бўлган шахсларга таъминотсиз кредит бериш тақиқланади;
- 9.2.5. Банкнинг битим тузиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилишга таъсир ўтказиш ва/ёки Банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимларни амалга оширишда имтиёзли шартларни тақдим этиш мақсадида Банкнинг мансабдор шахсларининг ушбу мансабдор шахсларга бевосита бўйсунмайдиган бўлинмалар фаолиятига аралашуви, меҳнатни ташкил этишининг ички қоидаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, тақиқланади;
- 9.2.6. Банкнинг мансабдор шахси банк ва унинг ўзи, унинг яқин қариндошлари, оила аъзолари, унинг яқин қариндошлари, оила аъзолари, мансабдор шахс ёки йирик иштирокчи бўлган ҳар қандай юридик шахс ўртасидаги ҳар қандай битимни кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишда иштирок этиши мумкин эмас;
- 9.2.7. ТАШБвайБҚ ҳар чоракда ККга Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузилган операциялар тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади.
- 9.3. Банкдаги ўз фаолияти доирасида Банкнинг бошқарув органлари ва унинг ходимлари Банкка нисбатан содиқлик бўйича шартномавий мажбуриятларга эга. Банкнинг КК, Бошқаруви ва ходимлари Банк билан манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасликлари керак. Банк ушбу Сиёсатнинг 1-сонли Иловасида қўрсатилганидек, юзага келиши Банкнинг обрўси ёки ишбилармонлик манфаатларига юқори таваккалчилик тутдирадиган манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга алоҳида эътибор беради.
- 9.4. Банкнинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари ўз фаолиятларида Банк манфаатларининг устунлиги ва банк мижозлари ва контрагентларининг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тамойилига амал қилишлари; манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасдан ўз касбий вазифаларини вижданан ва оқилона бажаришлари, ўз фаолиятининг нафақат Қонунчилик талаблари ва ушбу сиёсат тамойилларига, балки ахлоқ стандартлари ва умумэътироф этилган ишбилармонлик нормаларига ҳам тўлиқ мос келишини таъминлашлари керак.
- 9.5. Банк ходимларини юзага келиши мумкин бўлган тўқнашувлар бўйича Банкнинг корпоратив сиёсати билан таништириш мақсадида КНД ХБД билан биргаликда банк ходимлари учун манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш ва уларни ҳал қилиш, Банкнинг ишбилармонлик одоб-ахлоқ кодекси ва корпоратив этика бўйича ўқишлилар ўтказади.
- 9.6. Банк КК, Бошқаруви ва ходимлари Банкнинг этика тамойилларидан хабардор бўлишларини кафолатланган таъминлаш мақсадида "Банкда меҳнат тартиб қоидалари"да назарда тутилган Банкда ишбилармонлик этикаси ва хулқ-атвор

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ПЛУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>15-варақ</i>
---	---------------------------	--	-----------------

Кодексига риоя қилиш мажбурияти Бошқарув аъзолари ва ҳар бир ходим томонидан Банкда иш бошлашнинг биринчи кунида имзоланиши керак.

9.7. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Банкнинг бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва банк ходимлари шунингдек қуидагиларга мажбурдирлар:

- 9.7.1. ЎзР қонунчилиги ва Банкнинг ИНҲ талабларига риоя этиш;
- 9.7.2. Банк бошқарув органлари қарорларининг бажарилишини таъминлаш;
- 9.7.3. Банк акциядорлари томонидан тасдиқланган стратегик ва бизнес режаларнинг бажарилишини таъминлаш;
- 9.7.4. Банкнинг даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш каби ноқонуний фаолият билан шуғулланишига йўл қўймаслик;
- 9.7.5. Банк ичидаги фирибгарлик ва коррупцион ҳаракатларнинг олдини олиш;
- 9.7.6. Банкда назорат функцияларини амалга оширувчи таркибий бўлинмаларнинг мустақиллиги ва самарадорлигини таъминлаш;
- 9.7.7. банкда самарали корпоратив бошқарувни, шунингдек таваккалчиликни ва комплаенсни бошқаришни таъминлаш;
- 9.7.8. Йирик битимлар ва Банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимларни амалга оширишда ЎзР қонунчилиги ва Банкнинг ИНҲ талабларига риоя қилиш;
- 9.7.9. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва Банкнинг ИНҲда назарда тутилган ҳолларда ва зарур ҳолларда Банк активлари билан операцияларни амалга оширишда уларнинг қийматини аниқлаш учун мустақил эксперталарни жалб қилиш;
- 9.7.10. Банкка алоқадор бўлган шахслар реестрининг долзарбилигини таъминлаш;
- 9.7.11. Банкнинг бошқарув органлари билан боғлиқ барча мавжуд ва потенциал манфаатлар тўқнашувларини ошкор қилиш;
- 9.7.12. ўз расмий лавозимидан шахсий мақсадларда фойдаланмаслик;
- 9.7.13. манфаатлар тўқнашуви юзага келганда ва банк манфаатлари йўлида ўз вазифаларини тўлиқ бажаришига тўсқинлик қилган тақдирда қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этмаслик;
- 9.7.14. Банк ходими Банк вакили сифатида ишлаётган ҳар қандай ишбилармонлик шеригига нисбатан шахсий манфаатларга эга бўлмаслик. Бу етказиб берувчилар, мижозлар, агентлар ва маслаҳатчилардан кутилаётган ёки фойданинг капиталдаги ҳар қандай муҳим иштирокига ва бошқа турларга тадбиқ этилади;
- 9.7.15. Банкнинг мижозлари ёки ракобатчилари бўлган ташкилотларга сармоя ва/ёки инвестиция киритмаслик, агар бундай ҳаракат натижасида ходим ушбу шахсларга нисбатан Банк томонидан қабул қилинган тегишли бошқарув қарорларига таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлса;
- 9.7.16. Бошқарув Раисининг рухсатисиз қўшимча меҳнат фаолиятини амалга оширмаслик, ишбилармонлик шериклигида бўлмаслик, маслаҳат хизматларини кўрсатмаслик ва бошқалар. Ишга қабул қилинишида Банк ходими Ходимларни бошқариш департаменти ходимини қўшимча меҳнат фаолиятини амалга

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хүжэсжатнинг идентификация рақами: ПЛУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>16-варақ</i>
---	---------------------------	--	-----------------

ошираётганлиги, ишбилармонлик шериклиги, маслаҳат кўрсатиш хизматлари ва бошқалар тўғрисида хабардор қилиши шарт;

- 9.7.17. Банк томонидан учинчи шахслар билан тузилган битимлар учун Банқдан ҳам, учинчи шахслардан ҳам комиссион ҳақ олмаслик;
- 9.7.18. Банк билан муносабатларда учинчи шахслар номидан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қиласлини;
- 9.7.19. Бошқарув аъзолари ва мансабдор шахслар ККнинг олдиндан розилигисиз ёки Банкнинг бошқа ходимлари Бошқарув Раисининг олдиндан розилигисиз бошқа банкларда, банк операцияларининг айрим турларини амалга оширадиган ташкилотларда, банк фаолиятини амалга оширмайдиган бошқа ташкилотларда ўриндошлик бўйича меҳнат фаолиятини амалга оширмаслик.
- 9.7.20. Банк ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш қоидаларини ва инсейдерлик, маҳфий ва тижорат маълумотларининг сақланишини таъминлаш;
- 9.7.21. қасбий ва корпоратив этикага риоя этилишини таъминлаш;
- 9.7.22. манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар ва қарорлар қабул қилишда бетараф бўлиш;
- 9.7.23. янги лавозимни тайинлашда ёки эгаллашда манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш;
- 9.7.24. ушбу Сиёсатда ва Банкнинг бошқа ички ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар ва тартибларга риоя қилиш;
- 9.7.25. манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган шароитларнинг юзага келганлиги тўғрисидаги маълумотларни Банк томонидан белгиланган тартибда КНДга зудлик билан етказиш (ушбу Сиёсатга 2-сонли Илова);
- 9.7.26. лавозим вазифаларини мустақил ва вижданан бажаришга тўқсинглик қиладиган ҳолатлар юзага келганлиги тўғрисида КНДга хабар бериш;
- 9.7.27. ИАДга ва ташқи аудиторларга Банк билан алоҳида муносабатларга эга бўлган шахслар билан Банк томонидан амалга ошириладиган битимлар шартларини текширишда ёрдам бериш.
- 9.8. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва аниқлаш мақсадида КНД қуйидаги бўлимлар бўйича маълумотларни ўз ичига олган манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва аниқлаш бўйича маълумотлар базасини юритади:
 - 9.8.1. Банкка алоқадор бўлган шахслар рўйхати;
 - 9.8.2. Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузилган битимлар рўйхати;
 - 9.8.3. операциялари Банк учун мунтазам йўқотишлар билан тавсифланган шахслар рўйхати;
 - 9.8.4. тўқнашувнинг келиб чиқиши санаси ва сабабини, унинг тавсифини, тўқнашувнинг олдини олиш, ҳал қилиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш бўйича кўрилган чораларни кўрсатилган ҳолда аниқланган манфаатлар тўқнашуви рўйхати, тўқнашувлар ҳал қилинган тақдирда - бартараф этиш санасини кўрсатиш.
- 9.9. Кўрсатилган маълумотлар базасининг ахборотлари Банк томонидан битимлар тузиш, шу жумладан Банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилганда хисобга олинади.
- 9.10. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва аниқлаш бўйича маълумотлар базасида жойлашган маълумотларга ўзгартиришлар ушбу ўзгаришларни киритиш зарурати

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжаттинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>17-варақ</i>
---	---------------------------	--	-----------------

келиб чиққан ҳолатлар юзага келгандын кундан бошлаб 5 иш кунидан кечиктирмай киритилади.

- 9.11. Банк бошқарув органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва унинг мижозлари/контрагентлари ўртасида манфаатлар түқнашувининг олдини олиш учун куйидагилар зарур:
- 9.11.1. Банк ходимининг шахсий мақсадлари учун тузиладиган ва кейинги операциялардан фойда кутиш билан амалга ошириладиган битимлар тузилишидан ўзини четлатиш;
 - 9.11.2. Банкнинг ишбилармон ҳамкорларидан товар ва хизматларни фақат бозор шароитида ва бозор нархларида сотиб олиш;
 - 9.11.3. Банк хизматлари учун амалдаги тарифларнинг шаффоғлиги ва тушунарлилигини, шунингдек Банкнинг барча шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;
 - 9.11.4. мижозларга хизмат кўрсатишида ва/ёки контрагентлар билан ўзаро муносабатларда юқори профессионаллик ва вижданан ёндашувни таъминлаш;
 - 9.11.5. мижозлар томонидан йўл қўйилган аниқ ҳатолар хақидаги маълумотлардан (шу жумладан шартнома имзолашда, ариза топширишда) шахсий мақсадларда фойдаланмаслик ва ушбу ҳатони тузатишида амалий ёрдам кўрсатиш;
 - 9.11.6. мижозларнинг шахсий маълумотлари, шунингдек мижозлар/контрагентлар билан ўзаро муносабатлар жараёнида Банкка тақдим этилган бошқа маҳфий маълумотларнинг сақланишини таъминлаш;
 - 9.11.7. Банк ходимлари, агар бундай совғаларнинг моддий ҳажми Ишбилармонлик этикаси кодексида белгиланган миқдордан ошса, совғаларни қабул қиласликлари ёки Банқдаги функционал вазифалари муносабати билан фойда олишлари мумкин эмас. Бу, шунингдек, мижозлар билан ишбилармонлик муносабатлари доирасидан ташқарига чиқадиган таклифларга ҳам тегишли;
 - 9.11.8. корпоратив қарорлар мустақил асосда ва фақат молиявий ва ахлоқий омилларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади ва мансабдор шахслар ва (ёки) ходимларнинг ишбилармон шериклари билан оиласвий ёки дўстона муносабатлари таъсири остида қабул қилинмайди;
 - 9.11.9. мижозлар билан муносабатларни томонларнинг teng ҳукуқлилиги, виждонлилик, ростгўйлик, мижознинг Банк билан амалга оширадиган операциялари, шунингдек улар билан боғлиқ таваккалчиликлар тўғрисида тўлиқ хабардор қилиш тамойиллари асосида қуриш;
 - 9.11.10. мижозларга ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш;
 - 9.11.11. мижознинг лаёқатсизлиги ва соғлигининг ҳолатидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмаслик, шунингдек мижозларга жинси, миллати, сиёсий ёки диний эътиқодига кўра тенглаштирилган ва профессионал хизматлар кўрсатишдан бош тортиш;
 - 9.11.12. мижозларнинг манфаатларига энг мос келадиган хизматларни танлашда ёрдам бериш;
 - 9.11.13. мижозларга уларнинг сўровномасига биноан ва ўз ташаббуси билан Банк томонидан тақдим этилаётган хизматлар ва улардан фойдаланиш шартлари тўғрисида, мижозларнинг манфаатларига даҳлдор бўлган Банк ишидаги ўзгаришлар ва мижозларда юзага келадиган бошқа масалалар тўғрисида

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

Хужжаттнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21	Версия рақами: 1.0	Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.	18-варақ
---	--------------------	--------------------------------------	----------

мижозларни хабардор қилиш, банк, тижорат ва қонунчилик билан сақланадиган бошқа сирларни ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно;

- 9.11.14. шартномани бажариш жараёнида мижоз билан маълумот алмашишнинг аниқ тартибини ишлаб чиқиш, хусусан, турли алоқа воситаларидан фойдаланиш имкониятини белгилаш;
 - 9.11.15. мижозлар номидан ва уларнинг топшириғига кўра мижозларни кредитлаш бўйича операцияларни, тўлов ва ҳисоб-китоб операциялар сирини сақлаш;
 - 9.11.16. турли банк операцияларини юқори даражада амалга ошириш.
- 9.12. Банк ва унинг акциядорлари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Банк:
- 9.12.1. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни, Банк Устави ва ИНҲ талабларига мувофиқ Банкнинг барча акциядорларининг ҳуқуқларига риоя этиш;
 - 9.12.2. ЎзР қонунчилиги талабларига мувофиқ ошкор этилиши лозим бўлган барча маълумотларни акциядорларга ўз вақтида тақдим этиш;
 - 9.12.3. Банк акциядорларига дивидендларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш, бундан дивидендлар тўлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори билан чекланган ҳоллар мустасно;
 - 9.12.4. ЎзРнинг корпоратив бошқарув қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш учун КК аъзоларининг кўпчилиги КК томонидан қабул қилинган қарорларнинг холислиги ваadolатлигини таъминлаш ҳамда банк акциядорлари томонидан тасдиқланган Банкнинг ривожланиш стратегиясига мувофиқлигини таъминлаш учун мустақил бўлиши керак.
- 9.13. Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари ўз вазифаларини бажаришда Банк ва мансабдор шахслар ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида:
- 9.13.1. Банкнинг ишбилармонлик этикаси ва касбий этика тамойилларига риоя қилиш;
 - 9.13.2. Банк томонидан белгиланган тартибда шартномалар тузиш ва тузилган шартномалар қоидаларига қатъий риоя қилиш;
 - 9.13.3. акцияларини сотиб олиш ёки ҳар қандай ташкилотлар устав капиталида шу жумладан Банк билан рақобатлашаётган ташкилотларнинг устав капиталида иштирок этиш учун операцияларни ўтказиш, факат Банкнинг ИНҲда кўрсатилган ҳолда Банкнинг ваколатли бошқарув органининг розилиги билан амалга ошириш;
 - 9.13.4. Банкнинг ваколатли бошқарув органига ушбу Сиёсат қоидаларида белгиланганидек, манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкинлиги тўғрисида ўз вақтида хабар бериш;
 - 9.13.5. шахсий ва/ёки моддий фойда шаклида шахсий манфаат мавжуд бўлган, банк ва мансабдор шахс ёки унинг яқин қариндошлари ёки унинг оила аъзолари ўртасидаги муносабатларга бевосита дахлдор бўлган ҳар қандай ҳаракатларни чеклаш.
- 9.14. Мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида филиалнинг Банк билан муносабатлари филиалнинг Бош Банк олдидағи тўлиқ ҳисобдорлигига

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>19-варақ</i>
---	---------------------------	--	-----------------

асосланиши керак. Бош Банк ва филиаллари ўртасидаги манфаатлар тўқнашувини олдини олиш учун улар қуидагиларга мажбурдирлар:

- 9.14.1. бухгалтерия, статистик, молиявий, бошқарув ва бошқа ҳисоботларни тўлиқ ҳажмда ва Бош Банк томонидан белгиланган муддатларда тақдим этиш;
 - 9.14.2. сўров бўйича Бош Банкка ҳар қандай маълумотларни тақдим этиш;
 - 9.14.3. Банкнинг норматив хужжатларига ҳамда худудий, вилоят ва туман филиаллари тўғрисидаги Низомга мувофиқ ўзларига юқлатилган вазифаларни бажариш;
 - 9.14.4. Филиал мулкидан фақат Банкнинг устав мақсадлари учун фойдаланиш;
 - 9.14.5. филиалларнинг молиявий-хўжалик фаолияти режасини бажариш;
 - 9.14.6. филиалга ажратилган маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш;
 - 9.14.7. Банкка ёки унинг обрўсига моддий ёки бошқа зарар етказиши мумкин бўлган қарор қабул қилишда босим мавжуд бўлганда, акциядорлар, омонатчилар, банк филиалининг қарз олувчилари билан манфаатлар тўқнашуви юзага келган барча ҳолатларда Бош Банк раҳбариятини хабардор қилиш;
 - 9.14.8. маҳфий характерга эга бўлган маълумотларни ошкор қиласлик.
- 9.15. Банк ва расмий шахслар ва/ёки давлат органлари вакиллари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Банк қуидагиларга амал қиласли:
 - 9.15.1. Расмий шахслар ва/ёки Давлат органлари вакиллари билан муносабатларда Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари уларнинг қарорларига ноқонуний таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳаракатларни амалга оширмасликка мажбурдирлар;
 - 9.15.2. Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари расмий шахсларга пул совғалари ёки умумэътироф этилган амалиёт доирасидан ташқарида бўлган бошқа яхшилик ёки

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>20-варақ</i>
---	---------------------------	--	-----------------

имтиёзларни, хатто бандай харакатлар банкнинг молиявий манфаатларини илгари сурадиган ҳолларда ҳам, таклиф қилишдан бош тортишлари керак.

- 9.16. Банк ва рақобатчилар ўртасида манфаатлар түқнашувининг олдини олиш учун:
- 9.16.1. Банк ўзининг барча рақобатчиларига нисбатан ўзини адолатли тутади;
 - 9.16.2. Банк ходимлари ҳар қандай учинчи шахслар билан тижорат ва банк сирларига таллуқли маълумотларни ва қонун билан ҳимояланган маълумотларни муҳокама қилишдан бош тортишлари керак;
 - 9.16.3. Банк рақобатчилар ҳақида маҳфий маълумотларни тўпламайди ёки фойдаланмайди ва бундай маълумотларни учинчи шахсларга бермайди;
 - 9.16.4. Банк рақобатчилар билан номақбул келишувлардан қочади.
- 9.17. Банк ва манфаатдор шахслар ўртасида манфаатлар түқнашувининг олдини олиш учун:
- 9.17.1. ахборот таъминоти бўйича:
 - 9.17.1.1. манфаатдор шахсларга уларнинг сўровлари бўйича баланслар, проспектлар ва Банк фаолияти тўғрисидаги, банк, тижорат ва қонун билан ҳимояланадиган бошқа сирларни ташкил этмайдиган маълумотларни тақдим этиш.
 - 9.17.2. маҳфийлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича:
 - 9.17.2.1. Банқда маълумотларнинг хавфсизлиги ва ҳимоясини таъминлаш, музокаралар ва битимлар тузиш вақтида маҳфийликни таъминлаш.
 - 9.17.3. шикоятларни кўриб чиқиш ва талабларни қондириш бўйича:
 - 9.17.3.1. зарур ҳолларда шикоят ва талабларни расмийлаштириш, кўриб чиқиш ва қондириш масалалари бўйича манфаатдор шахсларга маслаҳат бериш.
 - 9.17.4. Юзага келаётган қийинчиликлар ва тўқнашувларни ўз вақтида ва синчковлик билан кўриб чиқиш, талабномалар ва шикоятларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва йўл қўйилган қоидабузарликларнинг оқибатларини бартараф этиш учун зарур чораларни кўриш.

10. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш

- 10.1. Банкдаги ҳар қандай манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида ҳал қилиш учун Банкнинг бошқарув органлари:
- 10.1.1. манфаатлар тўқнашувларига максимал даражада эътибор бериш, уларнинг сабабларини аниқлаш;
 - 10.1.2. имкон қадар қисқа вақт ичida низонинг моҳияти бўйича Банкнинг позициясини аниқлаш, тегишли қарор қабул қилиш ва уни қарор қабул қилишининг мантиқий асослари билан тўқнашган бошқа томоннинг эътиборига дарҳол Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Банк устави ва ИНҲга мувофиқ етказиши;
 - 10.1.3. манфаатлар тўқнашувига аралашадиган ёки аралашиби мумкин бўлган шахсларнинг тўқнашувни ҳал қилишда ва тегишли қарорлар қабул қилишда иштирок этмаслигини таъминлаш.
- 10.2. Банк потенциал ёки мавжуд манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишининг қуидаги шаклларини қабул қиласди:
- 10.2.1. текширув ва бошқа зарур ҳаракатларни амалга оширгандан сўнг, Банк уларни эълон қилган ходимнинг фикрига кўра, Банк манфаатлари билан тўқнашувни

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хұжжаттнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Күчгө кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>21-варақ</i>
--	---------------------------	--	-----------------

келтириб чиқарадиган ёки келтириб чиқариши мумкин бўлган вазиятларни (ҳолатлар ёки муносабатларни) манфаатлар тўқнашуви деб ҳисобламайди;

- 10.2.2. Банк ходимининг шахсий манфаатлари билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган Банқдаги аниқ маълумотларга Банк ходими киришини чеклаш;
- 10.2.3. Банк ходимининг ихтиёрий равишда рад этиши ёки уни четлатиш – доимий ёки вақтинча — манфаатлар тўқнашуви таъсирида бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган масалалар бўйича муҳокама ва қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этишдан;
- 10.2.4. Банк ходимининг вазифалари ва меҳнат функциялари доирасини қайта кўриб чиқиши ва ўзгартириш;
- 10.2.5. Банк ходимини, агар унинг шахсий манфаатлари лавозим вазифаларига зид бўлса, уни вақтинча лавозимидан четлаштириш;
- 10.2.6. банк ходимини манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган меҳнат функцияларини бажаришни таъминловчи лавозимга ўтказиш;
- 10.2.7. ходимнинг ташаббуси билан банқдан ходимни ишдан бўшатиш;
- 10.2.8. Банк ташаббуси билан ходимни интизомий хукуқбузарликлар учун, агар ЎзРнинг амалдаги қонунларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, ишдан бўшатиш;
- 10.2.9. банк ходимининг ўз шахсий манфаатларидан воз кечиб, банк манфаатлари учун тўқнашувни келтириб чиқариши;
- 10.2.10. Банкнинг ҳар бир ходими ўзининг бевосита раҳбарини мавжуд ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Банкнинг таркибий бўлинмаси раҳбари ушбу тўқнашувнинг қанчалик реал эканлигини ва ушбу тўқнашувни ҳал қилиш учун қандай чоралар кўриш мумкинлигини таҳлил қилиши керак;
- 10.2.11. Агар тақдим этилган манфаатлар тўқнашуви ушбу бўлинманинг ваколатига кирмаса, раҳбар КНД ёки Аудит қўмитаси орқали Бошқарувни ва/ёки ККни тўқнашувнинг томонларига қараб манфаатлар тўқнашуви тўғрисида зудлик билан хабардор қилиши керак;
- 10.2.12. Корпоратив маслаҳатчи манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш ва асосланган қарор қабул қилиш учун уч иш куни ичида Корпоратив бошқарув ва номзодларни илгари суриш қўмитаси орқали Бошқарув ва/ёки КК аъзоларига ахборот тақдим этади;
- 10.2.13. Юзага келган тўқнашув манфаатларига таъсир қўрсатадиган Бошқарув ва/ёки КК аъзолари Корпоратив бошқарув ва номзодларни илгари суриш қўмитаси орқали ушбу тўқнашув тўғрисида қарор қабул қилишда иштирок этмасликлари керак;
- 10.2.14. Бошқарув ва/ёки КК Корпоратив бошқарув бошқарув ва номзодларни илгари суриш қўмитаси орқали ўтказилган экспертиза (текширув) натижалари ва тақдим этилган хужжатлар, материаллар бўйича оддий кўпчилик овоз билан қарор қабул қиласди;
- 10.2.15. Бошқарув ва/ёки ККнинг қарори тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида тўқнашув томонлари эътиборига етказилади;
- 10.2.16. Ушбу қарор тартиби қатъий эмас. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишнинг ҳар бир аниқ ҳолатида Банк ва манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>22-варақ</i>
---	---------------------------	--	-----------------

ошкор қилган ходим ўртасидаги келишувига биноан низоларни ҳал қилишнинг бошқа шакллари топилиши мумкин.

10.3. Корпоратив бошқарувдаги түқнашувларни ҳал қилишга ёндашувлар:

- 10.3.1. Түқнашувлар юзага келган тақдирда, түқнашувнинг корпоратив томонлари ҳам акциядорнинг хуқуқларини ва ҳам Банкнинг ишбилармөнлик обрўсини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида уларни музокаралар йўли билан ҳал қилишлари керак.
- 10.3.2. Агар корпоратив түқнашувларни музокаралар йўли билан ҳал этишининг иложи бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қатъий ҳал этилади.
- 10.3.3. Акциядорлар ўртасида корпоратив тўвнашувлар юзага келган тақдирда, бошқарув органлари вакили бўлган Банк уларни ҳал этишда фаол иштирок этиши лозим. Шу билан бирга, Банк КК бундай түқнашув вазиятларини ҳал этишга фаол ҳисса қўшиши, акциядорларга маслаҳат ва тавсиялар бериши, акциядорлар имзолашлари учун низоларни ҳал қилиш бўйича хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаши, Банк номидан акциядорлар олдида низоларни ҳал қилишда ёрдам берадиган даражада мажбуриятларни ўз зиммаларига олишлари керак.
- 10.3.4. Акциядорлар ва КК ўртасида юзага келадиган түқнашувлар Акциядорлар ийғилиши томонидан тартибга солинади. Банкнинг КК ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича корпоратив түқнашувларни ҳал қилади. КК, агар КК аъзоларидан бири түқнашувнинг иштирокчиси бўлмаса, Банкка алоқадор бўлган шахслари билан юзага келадиган түқнашувларни ҳал қилиш ваколатига эга.
- 10.3.5. Банк Бошқаруви ваколатига тааллуқли алоҳида корпоратив түқнашувлар кўриб чиқиши учун ККга тақдим этилиши лозим (масалан, түқнашув предмети Бошқарувнинг ҳаракатлар (ҳаракатсизлиги) ёки у томонидан қабул қилинган хужжатлар бўлса).
- 10.3.6. Бошқарув Банк номидан қарор қабул қилиш Банкнинг бошқа органлари ваколатига кирмайдиган барча масалалар бўйича корпоратив түқнашувларни ҳал қилиши, шунингдек корпоратив түқнашувларни ҳал қилиш бўйича ишларни олиб бориш тартибини мустақил равишда белгилаши керак.
- 10.3.7. Банк ходимларининг манфаатлар түқнашуви Бошқарув томонидан ҳал қилинади.
- 10.3.8. Банкнинг бошқарув органлари ўз ваколатларига мувофиқ корпоратив низоларни ҳал этиш бўйича қарорларнинг бажарилишини ташкил этади ва низолашувчи томон тарафидан банк номидан имзоланган шартномаларнинг бажарилишига кўмаклашади. Низоли томон билан Банк ўртасида асосий мажбуриятлар бўйича келишмовчиликлар бўлмаган, лекин уларни бажариш тартиби, усули, муддатлари ва бошқа шартлар бўйича келишмовчиликлар мавжуд бўлган ҳолларда, Банк низолашувчи томонга низони ҳал қилиш учун, Банк бажаришга тайёр бўлган шартларни тавсифлаган ҳолда таклиф қилиши керак.

11. Ушбу Сиёсатда назарда тутилган қоидалар ва тартибларга риоя қилмаслик учун жавобгарлик чоралари (санкциялар)

- 11.1. Банк, Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари мазкур Сиёсатда назарда тутилган қоидалар ва тартиб-қоидаларга риоя қилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>23-варақ</i>
---	---------------------------	--	-----------------

қонунчилигига ҳамда Банкнинг ички интизомий низомлари ва буйруқларига мувофик жавобгар бўладилар.

12.Банк, шунингдек, Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан мазкур Сиёсатда назарда тутилган қоидалар ва тартибларга риоя этилишини назорат қилиш

- 12.1. Банк, унинг бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва ходимлар томонидан ушбу Сиёсатда назарда тутилган қоидалар ва тартибларга риоя этилиши устидан ички назорат функцияси ИАД ва КНД зиммасига юклатилади.

13.Якуний қоидалар

- 13.1. Ушбу Сиёсат, шунингдек унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Банкнинг КК томонидан тасдиқланади.
- 13.2. Мазкур сиёсатнинг мазмуни Банкнинг ички ҳужжатлари ва тартиб-қоидалари билан белгиланган тартибда Банкнинг ҳар бир ходими эътиборига етказилиши лозим. Ушбу Сиёсат қоидалари билан танишиш устидан назорат қилиш Банкнинг таркибий бўлинмалари ва филиалларининг бевосита раҳбарларига юклатилади.
- 13.3. Ушбу Сиёсат билан тартибга солинмаган тартиб ва қоидалар Ўзбекистон Республикасининг қонун ва норматив ҳужжатларига ҳамда Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.
- 13.4. Ушбу Сиёсатни мониторинг қилиш ва янгилаш учун жавобгарлик Банкнинг Комплаенс назорат Департаментига юклатилади.
- 13.5. Агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ёки Банк Уставида Банкнинг ушбу Сиёсатида назарда тутилганидан бошқача нормалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Банк Уставининг нормалари кўлланилади.

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>24-варақ</i>
---	---------------------------	--	-----------------

14. 1-сонли Илова – Банк юзага келишининг олдини олиш лозим бўлган манфаатлар тўқнашувларининг турлари

Манфаатлар тўқнашувининг тури	Олдини олиш чоралари
Иш жойидаги шахсий муносабатлар	<p>Банк ходимларига қуидагилар тақиқланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> яқин қариндошлар ва/ёки оила аъзолари билан бошқарув, бўйсуниш ёки назорат муносабатларида бўлиш; ишга қабул қилиш ёки яқин қариндошлари ва/ёки оила аъзолари билан шартнома тузиш тўғрисида ҳар қандай қарор қабул қилишда иштирок этиш
Ташқи мажбуриятлар, шу жумладан ишга жойлаштириш	<ul style="list-style-type: none"> Банк ходимлари Банкнинг рақобатчиси билан ҳеч қандай пуллик ёки тўланмайдиган (компенсация билан ёки компенсациясиз бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай хизмат турлари) ўзаро муносабатларда бўлиши мумкин эмас, агар у ходимнинг бўйсунишига қараб КК ёки Бошқарув Раиси томонидан маъқулланмаса ва/ёки ходимнинг Банқдаги ишига таъсир қилса; Агар КК, Бошқарув аъзолари, мансабдор шахслар Банкнинг ишбилармон шериги, бошқа ҳар қандай шахс ёки компания билан пуллик ёки тўланмайдиган муносабатларга эга бўлган тақдирда, КК, Бошқарув аъзоси, мансабдор шахс мавжуд ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар беришга мажбур бўлиб, Банкнинг бундай ишбилармон шериги, бошқа шахс ёки компания билан боғлиқ масала бўйича овоз бериш ва қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш ҳукукига эга эмас.
Шахсий ёки моддий фойда шаклидаги шахсий манфаат	<p>Банк КК, Бошқаруви аъзоси, ходимлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> Банк ва ушбу аъзо/ходим шахсий манфаатларга эга бўлган ёки у билан яқин қариндошлари ёки оила аъзолари орқали боғлиқ бўлган ҳар қандай компания ўртасида тузиладиган битим билан боғлиқ шахсий манфаатларнинг мавжуд ёки потенциал юзага келиши тўғрисида маълумотларни ошкор қилишлари керак, бундай битимга ва/ёки Банкнинг мижозига/контрагентига шахсий манфаати бўлса, қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этмаслик ва/ёки битим тузилишига таъсир кўрсатмаслик керак
Ишбилармон шериклар ва рақобатчилар билан муносабатлар	<p>Банкнинг КК, Бошқарув аъзолари, ходимларига қуидагилар тақиқланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> Банк билан рақобатлашадиган ёки у билан бизнес олиб борадиган ҳар қандай компанияда 1 фоизга teng ёки ундан кўп улушга эга бўлиш;

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хүжсжаттнинг идентификация рақами: ПЛУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>25-варақ</i>
---	---------------------------	--	-----------------

	<ul style="list-style-type: none">Ўзлари мухим манфаатдор бўлган ёки улар билан мухим аффилланган муносабатларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс билан Банк бизнесини олиб бориш;Банкка нисбатан тартибга солувчи ёки назорат қилувчи ваколатларга эга бўлган ҳар қандай давлат органининг мансабдор шахси, маслаҳатчиси ёки консультант сифатида ҳаракат қилиш
Совғалар, саёҳатлар, ўйин-кулги ва бошқа шунга ўхшаш моддий манфаатлар	Банк КК, Бошқаруви аъзоси ва ходимлари Банкнинг ишбилиармон шериги, рақобатчиси ёки мижозидан пул ёки бошқа шаклдаги совғаларни тўғридан-тўғри ёки билвосита талаб қиласлиги ёки қабул қиласлиги керак
Йигимлар, комиссиялар, хизматлар, бошқа хизматлар	Банк КК, Бошқаруви аъзоси ва ходимлари бевосита ёки билвосита Банкнинг ҳар қандай ҳақиқий ёки потенциал ишбилиармон шериги, рақобатчиси ёки мижозидан ҳақ, комиссия, хизмат ёки бошқа хизматни талаб қиласлиги ёки олмаслиги керак

Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21	Версия рақами: 1.0	Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.	26-варақ
--	--------------------	--------------------------------------	----------

15. 2-сонли Илова – Мавжуд, потенциал ва тахминий манфаатлар түқнашуви түғрисида ахборотни ошкор қилиш шакли

Ушбу шакл мавжуд, потенциал ёки тахминий манфаатлар түқнашуви түғрисидаги маълумотларни ошкор қилган ходим томонидан тўлдирилиши ва КНДга хабар қилинган мавжуд, потенциал ёки тахминий манфаатлар түқнашуви түғрисида қарор қабул қилишга ваколатли Банкнинг бошқарув органига юбориш учун тақдим этилиши керак.

1. Сиз ёки оиласиз аъзоси, яқин қариндошингиз ККнинг аъзоси, ҳозирда "Ипотека-банк" АТИБ билан ишбилармонлик муносабатларига эга бўлган ёки келгуси бир йилда "Ипотека-банк" АТИБ билан ишбилармонлик муносабатларини ўрнатиши мумкин бўлган ҳар қандай компания, фирма ёки ташкилотнинг ходими ёки мунтазам равишида ёлланган маслаҳатчиси ҳисобланадими?

Ха _____ Йўқ _____

Агар "ха" бўлса, "Ипотека-банк" АТИБ билан олиб борилаётган ёки кутилганидек, келгуси йилда "Ипотека-банк" АТИБ билан олиб борадиган компания, фирма ёки ташкилотнинг номини, эгаллаб турган лавозимини ва бизнес хусусиятини кўрсатинг:

2. Сиз ёки сизнинг оила аъзоларингиз, яқин қариндошларингиз ҳозирги кунда "Ипотека-банк" АТИБ билан ишбилармонлик муносабатларига эга бўлган ёки кутилганидек, келгуси йилда "Ипотека-банк" АТИБ билан бундай ишбилармонлик муносабатларига эга бўладиган компания, фирма ёки ташкилотга бевосита ёки билвосита шахсий манфаатингиз борми?

Ха _____ Йўқ _____

Агар "ха" бўлса, компания, фирма ёки ташкилотнинг номини, манфаат турини ва ушбу манфаатга эга бўлган шахснинг маълумотларини, ҳозирги кунда "Ипотека-банк" АТИБ билан олиб борилаётган ёки кутилганидек, келгуси йилда "Ипотека-банк" АТИБ билан олиб бориладиган бизнеснинг моҳиятини кўрсатинг:

3. Сиз ёки оила аъзоларингиз, яқин қариндошларингиздан бирортаси "Ипотека-банк" АТИБ молиявий ёки бошқа манфаатга эга бўлган корхонада молиявий ёки шахсий манфаати борми?

Ха _____ Йўқ _____

Агар "ха" бўлса, батафсил маълумот кўрсатинг:

4. Сиз ёки сизнинг оила аъзоларингиз, яқин қариндошларингиз "Ипотека-банк" АТИБнинг бизнесига нисбатан сизнинг ҳукмингиз ёки харакатларингизга асосли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган совғалар, қўл хақи, турар жой, овқатланиш ёки ўйин-кулгиларни қабул қилганмисиз?

Ха _____ Йўқ _____

Агар "ха" бўлса, батафсил маълумот кўрсатинг:

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИННИГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>27-варақ</i>
---	---------------------------	--	-----------------

Ушбу маълумотларни ошкор қилиш шаклида берилган жавобларда жиддий ўзгаришлар юз берган тақдирда, Банк КК, Бошқарув аъзоси, мансабдор шахси ёки ходими ушбу шаклдаги маълумотларни ёзма равишда янгилаб, КНДга янгиланган маълумотларни тақдим этиши керак.

Маълумотлар КНД ходими томонидан қўриб чиқилган ва текширилган _____

(Ф.И.Ш, лавозими ва санани қўрсатинг)

Тўқнашувнинг олдини олиш/бартараф этиш учун зарур бўлган чора-тадбирлар, ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш муддатлари ва жавобгар шахсларни қўрсатган ҳолда:

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ СИЁСАТИ

<i>Хүжсжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21</i>	<i>Версия рақами: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.</i>	<i>28-варақ</i>
--	---------------------------	--	-----------------

16. З-сонли Илова—«Ипотека-Банк» АТИБнинг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва бартараф этиш сиёсати билан

Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21	Версия рақами: 1.0	Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.	29-варақ
--	--------------------	--------------------------------------	----------

танишганлигини тасдиқлаш (КК аъзолари учун)

«Ипотека-Банк» АТИБнинг манфаатлар түқнашувининг олдини олиш ва бартараф этиш сиёсати билан танишганлигини тасдиқлаш (КК аъзолари учун)

Мен "Ипотека-Банк" АТИБнинг банк Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланган манфаатлар түқнашуви бўйича сиёсати билан танишиб чиқдим ва "Ипотека-Банк" АТИБ КК аъзоси сифатида мен "Ипотека-банк" АТИБнинг энг яхши манфаатларини илгари сурадиган тарзда ҳаракат қилишим шартлигини, Банк томонидан мен ёки менинг оила аъзоларим ёки яқин қариндошларим молиявий ва/ёки шахсий манфаатларга эга бўлган ҳар қандай учинчи томон билан тузилган ҳар қандай битимга нисбатан мавжуд ёки потенциал манфаатлар түқнашувини зудлик билан ва тегишли равишда хабар қилишни, "Ипотека-Банк" АТИБ номидан қарор ва ҳаракатлар қабул қилишда манфаатлар түқнашувини олдини олиш мақсадида бундай масалалар бўйича қарор қабул қилиш жараёнида овоз бермаслик ва иштирок этмасликни тушунаман.

Менинг резюмеимда ҳозирда эгаллаб турган лавозимлар ҳақидаги келтирилган маълумотлар тўлиқ ва қитъийдир. Мен ҳозирда эгаллаб турган лавозимлардаги ҳар қандай ўзгаришлар ва "Ипотека-банк" АТИБ билан ҳар қандай ишбилармонлик муносабатларига эга бўлган ёки бўладиган учинчи шахсларга ва/ёки менга алоқадор шахсларга/томонларга нисбатан манфаатларнинг мавжудлиги/тугатилиши тўғрисида Банк Кузатув Кенгашига тегишли тарзда хабар беришга мажбур эканлигимни тасдиқлайман. "Ипотека-Банк" АТИБ олдида ўз вазифаларимда манфаатлар түқнашуви юзага келиши мумкин бўлган тақдирда, мен бу ҳақда Банк Кузатув Кенгашини хабардор қилишга ва Банк Кузатув Кенгаши томонидан манфаатлар түқнашуви бор-йўқлигини ва бу түқнашувни ҳандай ҳал қилиш кераклиги аниқламагунига қадар, бу масалада ҳар қандай иштирок этишдан чекланишим шартлигини тан оламан. Менинг аффилланганлигимдаги, мажбуриятларимдаги ёки молиявий ҳолатларимдаги ҳар қандай ўзгаришлар ҳақида Мен Банк Кузатув Кенгаши Раисига "Манфаатлар түқнашуви ҳақидаги ахборотни ошкор қилиш"ни тақдим этиш орқали Банк Кузатув Кенгашига хабар беришим шарт. Ушбу шаклдаги маълумотлар фақат "Ипотека-Банк" АТИБ томонидан фойдаланиш учун мўлжалланганлигини ва махфий маълумотлар деб ҳисобланишини тушунаман. Ушбу маълумотларни "Ипотека-Банк" АТИБга тақдим этиш фақат хизмат зарурияти юзасидан амалга оширилади. Учинчи шахсларга ўтказиш фақат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига талаб қилинган ҳоллардагина амалга оширилади.

Исми, Фамилияси, Имзо

Сана

Хужжатнинг идентификация рақами: ППУКИ-1-11-21	Версия рақами: 1.0	Кучга кириши санаси: 01.12.2021й.	30-варақ
--	--------------------	--------------------------------------	----------

17. 4-сонли Илова – «Ипотека-Банк» АТИБнинг манфаатлар түқнашувининг олдини олиш ва бартараф этиш сиёсати билан танишганлигини тасдиқлаш (Бошқарув аъзолари ва Банк ходимлари учун)

«Ипотека-Банк» АТИБнинг манфаатлар түқнашувининг олдини олиш ва бартараф этиш сиёсати билан танишганлигини тасдиқлаш (Банк Бошқарув аъзолари ва ходимлари учун)

Мен "Ипотека-Банк" АТИБнинг банк Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланган манфаатлар түқнашуви бўйича сиёсати билан танишиб чиқдим ва "Ипотека-Банк" АТИБ ходими сифатида "Ипотека-Банк" АТИБ томонидан тарғиб қилинган тартибда ҳаракат қилишим ва "Ипотека-Банк" АТИБ номидан қарорлар қабул қилишда манфаатлар түқнашувига йўл қўймаслигимни тушунаман.

Мавжуд, потенциал ёки тахминий манфаатлар түқнашуви тўғрисида ошкор қилиш шаклидаги жавобларим тўғри тузилган бўлиб, ушбу тасдиқга илова қилинган. "Ипотека-Банк" АТИБда ўз лавозим вазифаларимни бажаришда манфаатлар түқнашуви ёки манфаатлар түқнашуви юзага келиши мумкин бўлган тақдирда, мен ўзимнинг бевосита раҳбаримни хабардор қилишга ва "Ипотека-Банк" АТИБнинг ваколатли шахси түқнашув бор-йўқлигини ёки унинг юзага келиш эҳтимолини ва ушбу түқнашувини қандай ҳал қилиш кераклигини аниклангунига қадар қабул қилишда ва/ёки битим тузишда, операцияларни амалга оширишда иштирок этмасликка мажбурман.

Менинг аффилланганлигимдаги, мажбуриятларимдаги ёки молиявий ҳолатларимдаги ҳар қандай ўзгаришлар содир бўлган тақдирда, "Манфаатлар түқнашуви ҳақидаги ахборотни ошкор қилиш"ни тақдим этиш орқали КНДга хабар беришим шартлигини тан оламан.

Ушбу шаклдаги маълумотлар фақат "Ипотека-Банк" АТИБ томонидан фойдаланиш учун мўлжалланганлигини ва махфий маълумотлар деб ҳисобланишини тушунаман. Ушбу маълумотларни "Ипотека-Банк" АТИБга тақдим этиш фақат хизмат зарурияти юзасидан амалга оширилади. Учинчи шахсларга ўтказиш фақат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига талаб қилинган ҳоллардагина амалга оширилади.

Исми, Фамилияси, Имзо Сана